





**«Андижон ёғ-мой»  
очиқ акциядорлик жамияти**

барга аёлларини  
8 март — Халқаро  
хотин-қизлар байрами  
билан муборақбод этади.  
Шабаррук момолафимизга,  
оқила оналаримизга, иболи  
опа-сингилларимизга,  
суюкли ва ойжамол  
қизларимизга хотиржамлик,  
меҳрибонлик, ҳаё ва  
муҳаббат доимо ҳамроҳ  
бўсин!



**«Ўзбекистон почтаси» очиқ  
акциядорлик жамияти жамоаси**

мамлакатимиз аёлларини 8 март —  
Халқаро хотин-қизлар байрами билан  
самимий муборақбод этади.



**Байрамингиз муборақ, азиз опа-сингиллар!**

**ИПОТЕКА БАНК**



**«Ипотека банк»нинг  
Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси**


Ўзбекистонимиз аёлларини 8 март шод-  
диёнлари билан қутлайди.  
Азиз онажонлар, гўзал опа-сингиллар,  
жазирани қизалоқлар, барганмизга бахт ва  
шодликлар ёр бўсин!



**«Кува бўстон»  
хусусий фирмаси**

мамлакатимиз хотин-қизларини  
8 март — Халқаро хотин-қизлар  
байрами билан табриклайди.  
Гул-гул юзларингиздан қувончлар  
аримасин. Меҳр-муҳаббатли  
қалбларингиз доимо  
осойишта бўлсин!

**СИЗ БОРСИЗКИ,  
МУҲАББАТИ ҲАМ БОР!**



Жаҳон адабиёти



**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети 2-босқич талабаси Феруза МИРЗАЕВА икки йилдирки, устоз Тью Хидан хитой тилини ўргана-япти. Феруза ажнабий тилга қизиқиб, кунт билан ўрганаётир. У хитой тилида нафақат гаплашади, балки ушбу тилдан таржима ҳам қила олади.**  
**У яқинда "Хитой тили" ўқув дарслигидан ўрин олган ихчам ҳикояларни ўзбек тилига ўгирди.**

жада бажарар, иқтидорли ўқувчи бўлишга ҳаракат қилар ва шу орқали унинг меҳрини қозонишга интилар эдим.  
 Шу тариха ойлар ўтди. Бир куни устозим дарсга келмади. Ҳайрон бўлдим. Кейинги дарсларни ҳам уни кутиш билан ўтказдим. Орадан икки ой ўтди. Устозимдан дарак йўқ.  
 Кунларнинг бирида менга хат келди. Хатда устозим автохалокатга учраб, икки ой касалхонада ётганилиги ва яқиндагина ўз юрти

Она

Шинамгина хонадонда елиб-югураётган аёл гоҳ чақалогини йиғидан овутмоқчи бўлар, гоҳ оиласи учун тушлик тайёрлашга уринар эди. Шу вақт эшик тақиллаб қолди. Аёл дарвозани очиб, қўшнисидан онасининг бетоб бўлиб қолганини эшитди-ю, бор дунёни унутди. Кўзига ҳеч нарса кўринмасди, кийим-кечагини ҳам алмаштирмай, чақалогини қўлга олиб, икки муолиш нарида яшовчи онасининг уйи томон югурди. Етиб келиб, унга дарров дори-дармон қилди. Онасининг аҳоли биров яхшилангандай бўлди. Аёлни кўнгли бироз тинчиди ва жажжи боласини қўлига олмоқчи бўлди-ю, таажубда турган жойида қотиб қолди! Аёл ҳовлиқиб уйга қараб югурди. Келиб қарасаки, чақалоқ ўз ўрнида ширингина бўлиб ухлаб ётибди!

Онасининг оғир дардидан эсанкираб, нима қилаётганини билмай қолган аёл кароватдан гўдагини оламан деб, болишни кўтарганча йўлга тушган экан.  
 Аёл фарзандини бағрига маҳкам босиб: "Кечир, болажоним, онамни деб сени унутмайдим, аммо билки, менинг онам бўлмаганида сенинг онам ҳам бўлмас эди. Мен учун энг азиз инсон волидам. Йиллар ўтиб сенинг ҳам энг ақининг — онам бўлишини хоҳлайман", — деди шивирлаб.

Гумон

Қадим замонда бир ўтинчи яшаган экан. У ҳар куни эрта сахарда болтасини олиб, ўрмонга ўтин ёргани кетаркан. Кунлардан бир кун болтасини йўқотиб қўйибди. Кўп ахтарибди, лекин топа олмабди. Бу ишни қўшнисининг ўғлидан гумонсираб, уни зимдан қўзата бошлабди. Йиғитнинг ҳар бир ҳаракати, нигоҳи, қадам олиши, хатто гап-сўзлари унинг гумонини тасдиқлар ва

Кўнги одамлари

Болаларнинг гулдастаси

Тонг сахарда деразасини очган Жў хонимнинг кўзи рўпарасида турган бир даста гулга тушди. У дарров кўчага чиқиб, атрофга қаради, ҳеч ким йўқ.  
 Жў хоним бу кишлоққа бошланғич синфларга дарс бериш учун яқиндагина келган, уни жажжи ўқувчилари ва бир-икки ҳамкасбидан бошқа ҳеч ким танимас эди. "Қизиқ, ким менга бундай ажойиб гулларни совға қилиши мумкин", — ўйлади у.  
 Иккинчи, учинчи куни ҳам худди шу воқеа такрорланди. Жў хонимнинг таажуби тобора ошиб борганидан у бу ҳолатнинг нотаниш сабабчисини топишга қарор қилди.  
 Бугун у одатдагидан анча эрта уйғонди ва дераза пардаси ортидан унга ҳар тонг гул тақдим этаётган кимса ташрифини кутиб ўтирди. Шу пайт узокдан қўлида гул кўтарган кичкинагина бир бола кўринди. Жў хоним уни таниди. "Муму!", Муму! — дея гул олиб келаятган болакай

ёнига борди. Муму устозига кўзи тушиб довдираб қолди. Жў хоним болага яқин келиб, ажабланиб сўради:  
 — Муму, ҳар тонг менга гул олиб келишининг боиси нима?  
 — Устоз, биргина мен эмас сизга гул келтираётган. Биринчи кун Сиаогуань, иккинчи кун Минг Линь, учинчи кун Сиаошань. Бугун эса менинг навбатим эди.  
 — Нега ахир, нима учун?  
 — Бизнинг Мали исмли устозимиз бор эди, уларни жуда ҳам яхши кўрардик. Лекин Мали опам доим гул олиб келадиган амаки билан кетиб қолдилар. Биз қаттиқ хафа бўлдик. Кейин сиз келдингиз. Сизни ҳам жуда яхши кўриб қолдик. Бироқ сиз ҳам гули бор амаки билан кетиб қолмаслигиниз учун синфдаги барча ўғил болалар келишиб, навбатма-навбат ҳар куни гул совға қилишга қарор қилдик. Устоз, сизга гулларимиз ёқаётими? Сиз бегона амакининг гулларини севиб қолмайсиз-а?

Жў хоним ўқувчиларининг меҳридан хайратланиб, кўзларида қувонч ёшларини арта-арта Мумунини қаттиқ бағрига босди ва: "Мен сизлар билан талаба бўлганингизга қадар бирга бўламан ва фақат сизнинг гулларингизни яхши кўраман", — дея сўз берди.

Мўъжизавий муҳаббат

Мен уни биринчи марта кўрганимдаёқ ёқтириб қолганман. Унинг катта-катта кўзлари, тим кора сочлари, алп комати мени ром этган. Юзидан чамаси ўттиз ёшлар атрофдалилиги билиниб турарди. У менга пианинодан даро берарди...

Уша йили мен ўн саккизга тўлдим. Баҳор кунларининг бирида онам уни уйга бошлаб келди. У билан таништириб, менга интизомли ўқувчи бўлишим кераклигини уқтирди. Онам пианист бўлишимни астойдил хоҳлар эди. Мен эса мусиқага умуман қизиқмасдим. Лекин устозимнинг мулоийм табассуми менда нафақат унга, балки мусиқага нисбатан ҳам меҳр уйғотди.  
 Биз дарсларни бошладик. Мен устозим берган барча топшириқларни аъло дара-

Японияга қайтиб кетганини, энди дарсларга келолмаслигини ёзибди...

Устозимга қўйидаги мазмунда жавоб хати ёздим. "Сизнинг хатингизни ўқиб, роса йиғладим. Сизни яна кўргим келаяпти. Сиз менинг дўстимсиз, санъат билан таништирган, мусиқага муҳаббат уйғота олган, мен севган — менинг устозимсиз. Сизга бўлган меҳрим туфайлигина мен имкониятим даражасидан-да кўпроқ натижаларга эришдим. Муҳаббат билан яшаган инсонгина ақл бовар қилмас мўъжизалар яратишга қодир бўлар экан... Сизга омонлик тилаб ўқувчингиз..."



ЭНГ ҚАДИМИЙ БОЗОР



Афина жанубида археологлар янги обида топишган. Греция Маданият вазирлигидан олинган хабарларга кўра, ушбу бинолар комплекси ўз вақтида бозор вазифасини ўтаганлиги тахмин қилинмоқда.  
 Топилма эрамыздан олдинги IV-V асрларга тегишли. Ушбу комплекснинг асосий биносидан 12 та хона бўлиб, уларнинг аксарияти дўкон вазифасини ўтаган. Улардан бири эса кичкина ибодатхона бўлган. Бино хоналаридан жуда кўлаб қадимий тангалар, амфора ва кўрғошли куймалар ҳам топилган.  
 Дунёдаги энг машҳур ағора ҳам Афинада жойлашган. Айни дамда у очик омон остидаги музей сифатида сақланимоқда.

400 МИЛЛИОН ЕВРОГА БИР СЎЗ

Парижнинг Лувр музейи ўз номини Бирлашган Араб Амирликларида бунёд этилаётган янги музейда ҳам ишлатишга рухсат берди. Фақат бунинг учун БАА шайхлари 400 миллион евродан воз кечишга тўғри келди. Абу-Дабида бунёд этиладиган янги музей ҳақиқий Луврнинг филиали саналади. Филиалнинг умумий нархи эса бир миллиард евро атрофида баҳоланмоқда. Янги музейни барпо этиш ҳақидаги шартнома эса 6 март куни имзоланди.  
 Музейнинг лойиҳаси архитектор Жан Нувел қаламига мансуб. Курилиши 2012 йилда битадиган ушбу музейда нафақат Лувр, балки Орсе ва Версал музейларидан ҳам экспонатлар намойиш этилиши кўзда тутилмоқда.  
 Францияда эса Лувр филиалининг бунёд этилишини яхши кутиб олишмади. Танқидчилар музей маъмуриятини "руҳни сотиш"да айбламоқда. Боиси, келажакда музейда сақланаётган ноёб экспонатларнинг кўпчилиги Абу-Дабидаги филиалда сақлаш учун олиб чиқиб кетилади. 4650 нафар киши Франция президенти Жак Ширакка хат йўллаб, ушбу келишувга йўл қўймасликни илтимос қилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

**O'ZSANOATQURILISHBANK**  
**ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК**  
**ЖАМОАСИ**  
 меҳрибон онахонларимизни ва опа-сингилларимизни  
**8 Март**  
 баҳор байрами билан табриклайди.  
 Барча аёлларимизга соғлиқ, бахт ва опаларига шиндлик тилайди!  
 Азиз аёллар! Уйингизда ҳамيشа қувонч ва хоширжамлик, тотувлик ва шўкин-соянлик бўлсин!

**Олмалиқ шаҳридаги «Tash – KVA-TRANSSERVIS» масъулияти чекланган жамият жамоаси**  
 юртимиз аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар айёми билан мувофакбод этади.  
 Аёлларимизнинг юзларидан табассум, қалбларидан қувонч аримасин! Муҳаббат, саодат, садоқат барганнизи ҳамроҳ бўлсин!

<p>Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси</p>	<p>Миллий тикланиш — миллати келажоғи  <b>MILLIY TIKLANISH</b></p>	<p>Таҳрир хайъати</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР:                  Кабулхона — факс: 133-67-51                  Бўлимлар — 136-58-73</p>	<p>Манзилимиз:                  Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.                  Босишга топшириш вақти 20.00                  Навр кўрсаткичи — 158</p>	<p>Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.                  Буюртма: Г — 223, Ҳажми 2 босма табоқ.                  Адади 2358                  Сотувда эркин нархда</p>	<p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.                  Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй</p>
---	--	-----------------------	---	---	---	--	--